



# O'ZBEKISTON OVOZI

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жамият тараққиётига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий институтлар фаолияти йўлга қўйилиб, соҳада узлуксиз таълим ва маърифий ишлар олиб борилаётган. Таълим тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари киритилиб, ҳуқуқий мавзуларда йигирмадан зиёд ихтисослашган журнал ва газеталар чоп этилмоқда.

Ушбу йўналишда замонавий ахборот-ресурс марказлари ҳам фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган шундай марказ компьютерлар базасида миллий қонунчилик асослари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик барча зарур ҳужжатлар жамланган. Соҳа ходимлари улардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Айни пайтда ички ишлар ходимларининг бу борадаги малакасини ошириш, семинар-тренинглар ўтказиш, ҳужжатлар ва адабиётлар чоп этиш ҳамда давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлик самарадорлигини кучайтиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техника билан юрти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари»

мавзуидаги семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юрталари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент Олий ҳарбий-техника билан юрти бошлиғи Х.Маматов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи И.Турғунов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида суд-ҳуқуқ тизими тубдан такомиллаштирилаётгани, соҳада инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоялаш муҳим мезонга айлангани фуқаролар манфаатига хизмат қилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизнинг бу борадаги таърибаси халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаётган.

Семинарда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиб бориши инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликни янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилиши кайд этилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА муҳбири.

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти



Шавкат АҚРАЙМОВ олган суратлар.

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

уларнинг тақдирини ҳар биримизга дахлдор масала

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Янгийул туманида «Ёшларни ёт гоьлар ва турли зарарли иллатлар таъсиридан асраш — долзарб масала» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят ИИБ ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ҳамда коллеж талабалари иштирок этди.

Зиёвуддин МАНСУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси: «Ахборот асри» деб ном олган бугунги замонда инсониятга энг катта хавфни «оммавий маданият», унинг

ахлоққа зид тушунчалари келтириб чиқармоқда. Чунки, ҳар қандай ахборот катта аудиторияга ҳеч бир тўсиқсиз, чегара билмай етиб бормоқда. Натижада миллий маданият ва асрий қадриятларга зид бўлган, уларни топ-тайдиган қарашларни чеклаш қийин

бўлиб қолди. Хавфли томони, маънавият қушандалари тўсатдан ҳужум қилмайди, балки аввало жуда кичик деталлар, воқеалар орқали ёшларни ўзига жалб этади. Шундай экан, фарзандларимизни мафқуравий тазйиклардан ҳимоя қилиш ва уларнинг салбий оқибатларидан оголантириш нафақат оммавий ахборот воситалари, балки биз депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди. Бу — жойларда ёшларни миссионерлик, экстремизм ва одам савдоси каби киши келажига раҳна солувчи иллатлардан огоҳ этиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини англайди. Бугун ўтказилаётган тадбир шу маънода қимматлидир.

(Давоми 2-бетда.)

## Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

### Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: ИМКОНИАТДАН ТЎҒРИ Фойдаланиш зарур

Фракциямиз олдидаги долзарб вазибалардан яна бири — мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда мутахассислар, экспертларни жалб қилган ҳолда, соҳага оид меъъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилишдан иборат.

⇒ 2

## Соҳибқирон васияти

Соҳибқирон Амир Темурунинг ҳаёти ва фаолияти, беқиёс бунёдкорлик ишлари, авлодларга мерос қилиб қолдирган ибратли амаллари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи асарлар, нодир кўлэзма манбалари анчагина. Улар орасида 1419-1425 йилларда буюк бобомизнинг набираси Иброҳим Султон фармонига кўра, тарихчи Шарафиддин Али Яздий томонидан ёзилган «Зафарнома» асари алоҳида аҳамиятга эга. Шу мавзудаги бошқа манбалардан фарқли равишда унда Амир Темуру ҳаётининг сўнгги кунлари ҳаққоний ва жуда таъсирчан тарзда баён этилган.



## «МЕН АДЛУ ЭҲСОН БИЛА ОЛАМНИ ОБОД ЭТИБМЕН»

Манбаларда қайд этилишича, миллодий 1405 йилда қиш ниҳоятда қаттиқ келади. Изгирин совуқ Хитой фатҳига отланган Соҳибқирон лашкарига жуда кўп талафотлар етказганда. Кучли шамоллаш таъсирида Амир Темурунинг ҳам аҳволи оғирлашиб боради. Айниқ-

са, 11 февраль санасида касаллик зўрайиб кетади. Шаҳсий табиб Мавлоно Фазлуллоҳ Табризийнинг бирор чора кўлашга бўлган саяй-харакатлари ҳам ҳеч қандай наф бермади. Шу кунга Соҳибқирон тушида отаси, Муҳаммад Тарагайни отидан юганини ечгани ва чакалақзорга кириб, кўздан гойиб бўлганини кўради. Шунда ҳаёти поёнига яқинлашиб қолганини англаб етади. Орадан етти кун ўтиб, яъни 18 февраль куни Утбор шаҳрида Соҳибқирон вафот этади.

(Давоми 3-бетда.)

## СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Ўз-ўзини танқид тизимидаги ўқувлар партия аъзолари ва электорат вакиллариининг сиёсий-ҳуқуқий билими ошишига хизмат қилиши зарур

2-бет

## Электорат манфаати КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан Денов туманида «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишда амалга оширилган ишларни ўрганиш» мавзуидаги кўргазмали ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўтган йили воҳада 64 минг 600 тадан ортиқ янги иш ўринлари очилган бўлса, Мустақам оила йилида 65 мингга яқин киши иш ўрнига эга бўлиши режалаштирилган.

билан танишди. — Туманда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли муражаатларини ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар белгиланган, — дейди бошқарма бошлиғи Эркин Менглиев. — Бундай амалий ишларни бошқа худудларга ҳам татбиқ қилсақ, кўзланган мақсадга эришган бўламиз. Тадбир иштирокчилари Денов шаҳридаги 1-маҳаллада бўлишди.

⇒ 2


## Эътироф

Касбим — ўқитувчи, хизмат сафари юзасидан кўплаб давлатларда бўлганман. Қайси мамлакатга бормай, у ерда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқаман. Тошкентдаги қатор таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишдим. Улардаги ахборот-ресурс марказлари, электрон кутубхоналар, замонавий аудиторийалар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар, спорт майдончалари халқаро талаблар даражасида бунёд этилгани ва жиҳозланганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда ҳақондаги етакчи олий таълим даргоҳларининг филиаллари ташкил этилгани соҳада эришилаётган ютуқлардан, таълим тизимида халқаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир. Тошкентдаги Сингапур менежменти ривожлантириш институти бунинг тасдиғидир. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб келган, меъъорий обидалар ва муқаддас қадимларга бой, цивилизация бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳар қандай кишини ҳайратга солиши шубҳасиз». Наум ЛИМ, (Сингапур).

## Хушxabар

## УЛЬЯНАНИНГ НАВБАТДАГИ СОВРИНИ

Лондонда бўладиган XXX ёзи Олимпия ўйинларида Ульянов Трофимова бадий гимнастика бўйича Ваганимиз шарафини ҳимоя қилади. Айни пайтда моҳир бадий гимнастикачимиз нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўрмоқда.



Куни кеча иқтидорли спортчимиз Ульянов(Словения)да ўтказилган нуфузли халқаро турнирда муваффақиятли қатнашди. Россия, АҚШ, Италия, Кипр, Исроил, Словения сингари давлатларнинг энг кучли спортчилари иштирок этган бу мусобақада Ульянов Трофимова кўнкураш баҳсларида жами 109,5 балл жамғариб, бронза медалига сазовор бўлди. (Ўз муҳбириимиз).





